# ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

## ҲАР КУН ҒАНИМАТ. СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИНГ.

## МАШИНАЛАР ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАСИН.

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 200 (6804.

8 ОКТЯБРЬ ЖУМА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## ОҚҚЎРҒОН МЕХАНИЗАТОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИЛАР

Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг дастлабки йилида 70 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони яратиш учун курашаётган оққўрғонлик миришкор пахтакорлар, 19 минг гектар майдонда етиштирилган мўл-кўл ҳосилнинг камида 80 процентини «зангори кема»лар билан териб олишга сўз берган моҳир механизаторлар ўз ваъдаларига яраша ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, машина терими планини муваффақиятли бажардилар.

Йиғим-терим мавсуми бошлангандан буён район хўжаликлари пахтазорларида жами 380 та терим машинаси икки сменада тўла қувват билан ишлаб турибди. Пойтахт областининг 450 минг тонналик улкан хирмонига шу кунгача оққўрғонликлар қўшган 53 минг тоннага яқин дурдонанинг 45 минг тоннасидан зиёдроғи ана шу «зангори кема»ларнинг бункерларидан тўкилди. Қабул пунктларига элтиб берилган жами «оқ олтин»нинг 85 процентини дала гвардиячилари териб бердилар.

Дастлабки довондан ошган пўлат от суворийлари уч-тўрт кунлик илиқ-иссиқ дамлар қадрига етиб, суръатни ҳамон бўшаштирмаётирлар. Далалардаги мўл-кўл «оқ олтин»ни мумкин қадар тезроқ йиғиштириб олиш йўлида янада жонбозлик кўрсатмоқдалар. Механик-подборшчикларни моҳирлик билан бошқараётган механизаторлар ҳам улар билан бир сафда. Эндиги барча куч ва имкониятлар пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани ҳамда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни ҳам шараф билан бажаришга қаратилмоқда.



Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Турсуной Охунова бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳар гектаридан 69 центнердан ҳосил териб топшириш учун курашмоқдалар.



Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг эллик центнерчи Энвер Алиев бошлиқ бригадаси аъзолари ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олмоқдалар.



Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхозда ҳосилнинг кўп қисми машиналарда териб олинди. Бунда моҳир механизатор Маҳамат Аҳмедовнинг ҳиссаси каттадир.



БЎКА районидаги Карл Маркс номли колхознинг механизатори Дамир Исмоилов шу кунгача «зангори кема» бункеридан 220 тоннадан ортиқ пахта тўкди.



Илёс Пўлатов Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг моҳир механизаторларидан. У айни терим қизғин кунларда 8—9 тоннага етказиб пахта терди.



Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг турсунойчи механик-ҳайдовчиси Чўлпоной Туртаева мавсумда кам деганда 150 тонна пахта териш учун курашмоқда.

# ТАШАББУС ҚАНОТИ

**● ХАЛҚ ХУЖАЛИК ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ. ● ДАВЛАТГА ТОПШИРИЛГАН ПАХТАНИНГ ҲАММАСИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛДИ. ● ҲОСИЛДОРЛИК 45 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ. ● 56 ТА ПОДБОРШИК ИШГА ТУШДИ.**

ЯНА «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида хўжалик раҳбарлари даврасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. 30 йил илгари пахта терими даврида шу хўжаликда бўлганман. Ноябрь ойининг охирлари. Планнинг бажарилишига ҳеч кимнинг кўзи етмайди. У кезларда машина билан пахта териш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган.

Орадан йиллар ўтди. Пахтазорларда машиналар ишлайдиган бўлди. Лекин шунда ҳам терим машиналарига ҳеч ким ихлос қўймаган, жумладан шу совхозда ҳам машина билан пахта теришга ҳавас йўқ эди. Чунки, дастлабки терим машиналари ҳосилнинг ярмини ерга тўкиб, ишни осонлаштириш ўрнига қийинлаштириб юборарди.

У пайтлар энди ортда қолди.

Пахта терим суръати мисли кўрилмаган даражада жадаллашиб бормоқда. Машиналар қўл меҳнатини кескин камайтирди. Ҳатто, илғор хўжаликлар пахта теримига қўл меҳнати сарфламайдиган даражага етиб қолдилар. Илгари пахта теримига шаҳардан ёрдамчилар келишини зориқиб кутадиган хўжалик раҳбарлари энди ўз кучимиз, ўз техникамиз билан барча ҳосилни териб оламиз, демоқдалар. Бунга Наманган областидаги Учқўрғон, Тошкент областидаги Юқори Чирчиқ район пахтакорларининг ташаббуслари яққол мисол бўла олади.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг директори Саидкарим Зокиров бу ҳақда шундай дейди:

— Бизнинг совхоз йирик пахтакор хўжалик. 4000 гектар ерга пахта экилади. Шундай катта майдонда мўл ҳосил етиштириш осон иш эмас. Мажбуриятимиз катта, ишимиз мураккаб. Лекин ҳамиша мўл ҳосил етиштириб келган совхозимизнинг ишчи ва мутахассислари аввал баҳордан бери ҳалол меҳнат қилдилар. Агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширдилар. Зиммага олинган юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштиришни таъминладилар.

Биз бу муваффақиятларга қандай эришдик? Аввало шуни айтиш керакки, халқимизда қозонда бўлса, чўмичга чиқади деган нақл бор. Пайкалларда ҳосил кўп бўлгани учун машиналар бир юришдаёқ асосий ҳосилни йиғиб олмоқда. Масалан, совхозимизнинг Алима Айвазова бошлиқ Ульянов номли бўлимида 900 гектар пахта майдони бор. Шу бўлимда машина икки марта юрганда ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Халқ хўжалик плани 111 процент бажарилди. Искандар Катаманов бошлиқ Мустафо Чачи номли бўлимда эса 40 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Жамиш Халф бошлиқ Тинчлик бўлими механик ҳайдовчилари 620 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи ва иккинчи теримда 38,5 центнердан пахта териб бердилар.

Совхозимиз пахтакорлари даладаги ҳосил чўғини аниқ чамалаб кўриб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилишди.

2 октябрда азамат пахтакорларимиз дастлабки ғалабага эришдилар. Ўрта ҳисобда ҳар гектар майдондан 38 центнердан ҳосил олинди. Халқ хўжалик планини шараф билан бажардик. Энг қувончлиси шундаки, план бажарилган кунга қадар совхозимизда қўл кучи билан пахта терилмади. Давлат омборларига топширилган 15300 тонна пахтанинг ҳаммаси машина билан териб олинди. Терилган пахта бункердан тележкаларга, ундан пахта пунктига жўнатилди. Пахталарни хирмонга тўкиш, ундан яна прицепларга ортиш каби ишларни четлаб ўтдик. Бошқа сўз билан айтганда, қўл меҳнатига ҳожат қилмади.

Совхозимизда Абдусаттор Сулаймонов, Энвер Алиев, Север Эналиев, Гулсара Арзикулова, Маҳмуд Хусанов, Асил Мирзахўжаев, Худойберди Тўйчиев сингари ажойиб механик-ҳайдовчилар бор. Улар пахта терим суръатини жадаллаштириб, суръатга қанот бўлмоқдалар.

Биз энди Юқори Чирчиқ ва Учқўрғон район пахтакорларининг ташаббусига қўшилиб қолган ҳосилни ҳам иложи борича қўл меҳнати сарфламай техника воситалари ёрдамида териб олишга ҳаракат қиляпмиз. Хўжалигимизда ерга тўкилган пахта терадиган 56 та машина бор. Шу кунларда бу машиналарнинг ҳар бири билан 700—1000 килограммдан тўкилган пахта териляпти. Бу бизнинг назаримизда чакки кўрсаткич эмас. Иш шундай давом этса, ҳар бир машина билан кунига 3—4 гектар ерни тозалаш мумкин.

40 та кўрак терадиган, 40 та кўсак чувийдиган машина бор. Улар ҳам тўла қувват билан ишга туширилади.

Бундан ташқари совхозимизда 960 киши бевосита пахтачилик ишлари билан шуғулланади. Биз ўзимиздаги мавжуд техника воситаларини, ишчи кучларини ҳисобга олиб қолган ҳосилни ҳам ўз кучимиз билан териб олмоқчимиз.

**Б. ХАЛИЛОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан

Сервер УСЕИНОВ — 340 тонна.

Ҳамид ШАРИПОВ — 260 тонна.

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоздан

Турқора РАҲИМБЕРДИЕВ — 245 тонна.

Қўчқор ҚОДИРОВ — 220 тонна.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан

Батал НУРИЕВ — 240 тонна.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозидан

Турғун ЭРГАШЕВ — 220 тонна.

Шу райондаги «Политотдел» колхозидан.

Мўминқул Юсупов — 210 тонна.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва» колхозидан

Муслим ТОЖИЕВ — 200 тонна.

# ПАХТА—ДАВЛАТГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта: учинчи устун — шу жумладан машинада: тўртинчи устун — мавсум бошидан буён терилган пахта: бешинчи устун — шу жумладан машинада.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ | 1,50 | 1,72 | 108,13 | 131,80 |
| ҚУЙИ ЧИРЧИҚ | 1,17 | 1,29 | 107,08 | 135,30 |
| Янгийўл | 2,03 | 2,26 | 94,34 | 82,66 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,81 | 1,71 | 90,62 | 110,80 |
| Оққўрғон | 1,57 | 2,03 | 85,20 | 99,13 |
| Бўка | 1,05 | 1,39 | 84,65 | 98,27 |
| Чиноз | 2,19 | 3,07 | 81,14 | 74,14 |
| Бекобод | 0,18 | 0,09 | 75,30 | 78,16 |
| Пискент | 0,92 | 0,67 | 72,85 | 79,48 |
| Область бўйича: | 1,35 | 1,56 | 87,33 | 99,27 |

### ШОЛИНИ ЎРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН 7 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

**Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган шоли; учинчи устун—мавсум бошидан буён; [топшириққа нисбатан процент ҳисобида]. тўртинчи устун — бир кунда ўрилган шоли; бешинчи устун — мавсум бошидан бери [экин майдонига нисбатан процент ҳисобида].**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ўрта Чирчиқ | 6,6 | 81,3 | 3,8 | 82,1 |
| Бўка | 5,9 | 67,1 | 0,5 | 76,3 |
| Юқори Чирчиқ | 6,2 | 52,7 | 4,7 | 81,4 |
| Бекобод | 0,2 | 41,8 | 1,0 | 55,9 |
| Оққўрғон | 3,8 | 35,0 | 5,6 | 78,0 |
| Қуйи Чирчиқ | 4,4 | 32,8 | 5,4 | 71,0 |
| Янгийўл | — | — | 2,8 | 63,9 |
| Область бўйича: | 4,0 | 52,7 | 3,3 | 68,6 |

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

**СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Д. А. КУНАЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ҲАМДА ИККИНЧИ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Республика коммунистларини ва барча меҳнаткашларини партия XXV съездининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қарорларини муваффақиятли бажаришга ҳамда 1976 йилда давлатга ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этишга сафарбар қилиш соҳасидаги катта хизматлари учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Динмуҳаммад Аҳмедович Кунаев Ленин ордени ҳамда иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
**Н. ПОДГОРНИЙ.**

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1976 йил 6 октябрь.

## АХР ПАРТИЯ—ДАВЛАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Ангола озодлиги халқ ҳаракати (МПЛА) раиси, Ангола Халқ Республикасининг президенти ўртоқ Антонио Агостиньо Нето АХР партия-давлат делегациясига бошчилик қилиб, расмий визит билан 7 октябрда Москвага келди.

Ангола Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ўртоқ А. А. Нетони, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Учиш майдонида қуролли кучлар уч туридан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ А. А. Нетога рапорт берди. АХР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

Н. В. Подгорний ва А. А. Нето ўртоқлар фахрий қоровул сафи ёнидан ўтдилар.

Аэродромдан меҳмонлар мотоциклчилар фахрий эскорти ҳамроҳлигида ўзлари учун ажратилган қароргоҳга йўл олдилар.

(ТАСС).



Авжи йиғим-терим қизғин кунларда областимиз пахтазорларида ўртача 2500—2600 га яқин «зангори кема»лар ишлади. Ҳар бир машина билан кунига ўртача 7—8 тонна дан пахта терилди. Машиналар чиндан ҳам суръатга қанот бўлди. Суратда: машина терими пайти.

А. Абалян ва Ж. Тўраев фотолари.

## ҲОСИЛДОРЛИК 40 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗИЛАДИ

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва пахта йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб, халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар. Колхозчилар, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилганлиги туфайли план 20 иш кунида бажарилди.

Колхоз пахтакорлари тайёрлов пунктларига 4373 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан қарийб 30 центнердан ҳосил териб олинди. Колхозда уруғлик пахта тайёрлаш плани ҳам анча ошириб бажарилди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахтанинг ялпи ҳосилини 6000 тоннага, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Х. ХАЛИЛОВ.

